

ИСТИҚБОЛГА ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАР БИЛАН

ПИЛЛАЧИЛАР ШИЖОАТИ

(Боши 1-саҳифада)
Иштирокчиларнинг қизиқишига сабаб бўлаётган лойиҳалардан яна бири Андижон қишлоқ хўжалик институти доценти Абдумутал Парпиев яратган мини авиациядир. Ушбу қурилма ёрдамида пахта майдонларига трихогограмма уруғларини бир текис ва қисқа муддатда тарқатиш мумкин. Яъни 15-20 см. келадиган вертолёт оператор ёрдамида пулт орқали 50 метр жойгача бошқарилади. Вертолётнинг оёқларига пластмасса шланглар айлана тарзида ўрнатилган. Трихогограмма унга жойлаштирилган бункерлар орқали шлангга тушади. Қурилма парраклари орқали шлангга ҳаво босими берилиб, тешикчалардан чиқаётган трихогограмма тухумлари бир хил миқдорда тарқалади.

рати туғилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди ҳамда Ўсимлик моддалари кимёси ва Зоология институтлари, Тошкент давлат аграр университетининг ҳамкорлигида мураккабгулдошлар оиласига мансуб баъзи ўсимликлардан антитермит восита олиш мумкинлиги аниқланди. Термитларнинг энг яхши кўрган озукаси кунгабоқар пояси қилиғи. Яратилган препаратни қипиққа қўшиб, уяларга жойлаштиради. Аралашма ишчи термитлар ёрдамида она термитга олиб бориб берилади ва у нобуд бўлади, натижада уларнинг кўпайишига чек қўйилади.

Анъанавий Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси муҳим вазифани ҳал этиш — инновацион тараққиёт жараёнларини кучайтириш учун сонаотчилар, олимлар ва тадбиркорлар сазой-ҳаракатларини интеграциялаштиришга хизмат қилмоқда.

Авалги ярмаркалар натижалари бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу тадбирларда икки мингдан зиёд инновацион гоёлар ва технологиялар намойиш этилиб, умумий қиймати 44,7 миллиард сўмлик 1545 шартнома имзоланган эди. Натижада 480 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди, 19 турдаги янги маҳсулотни ялпи ишлаб чиқариш бошланди, 24 шартнома доирасида саноат-тажриба ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

Республикамизда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида етарли тажриба тўплаган. Бу мамлакатимиз ушбу соҳада улкан салоҳиятга эга эканлиги ва мазкур ишлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани билан боғлиқдир. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётди.

Муқобил энергия манбалари, чунончи, қуёш энергиясида ишла-



диган технологиялар ярмарка қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, Тошкент архитектура-қурилиш институти иссиқ сув таъминотининг қуёш-электр қурилмаси, Фанлар академияси “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти кўча мураккаб фотоиссиқлик ҳосил қилувчи қурилма, электр ҳамда иссиқлик таъминотининг қуёш ва иссиқлик муқобил қурилмалари учун Стирлинг двигатели, қуёшдан кам қувватли зарядлаш қурилмаси, Фаргона политехника институти маиший қуёш сув иситкичлари ҳамда иссиқ ва қайнатилган сув олиш учун қуёш параболоцилиндрик аппаратни тақдим этмоқда.

Гулистон давлат университети талабаси Илёс Мувиитхонов яратган дала шароитига мўлжалланган кичик қувватли фотоэлектрик қуёш генератори ичма ва қўлайлиги билан ажралиб туради. Ушбу ишланма куннинг қуёшли пайтла-

рида уяли телефонларни зарядлаш, кам қувватли электроаппаратлардан фойдаланиш имконини беради.

Шуни эътиборлики, бу йилги ярмаркада ёш олимларнинг гоё ва ишланмаларига кенг ўрин берилган. Негаки, ушбу жараёнга ёш авлод вакиллари кенг жалб қилиш мамлакатимиз инновацион иқтисодиёти учун муҳим аҳамият таъминотининг қуёш ва иссиқлик муқобил қурилмалари учун Стирлинг двигатели, қуёшдан кам қувватли зарядлаш қурилмаси, Фаргона политехника институти маиший қуёш сув иситкичлари ҳамда иссиқ ва қайнатилган сув олиш учун қуёш параболоцилиндрик аппаратни тақдим этмоқда.

Гулистон давлат университети талабаси Илёс Мувиитхонов яратган дала шароитига мўлжалланган кичик қувватли фотоэлектрик қуёш генератори ичма ва қўлайлиги билан ажралиб туради. Ушбу ишланма куннинг қуёшли пайтла-

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ пиллачилари жорий йилда 2795 тонна “қумуш тола” етиштиришга аҳд қилишган. Айни пайтда воҳанинг 7 мингдан ортиқ фермер хўжалиги пиллачилик звеноларидан ипақ қурти парваришлапти.

Баҳорнинг серёгин келганлиги айни муддао бўлди. Тут дарахлари барглари тез етилиши озуқа базасида муаммо бўлмаслигидан дарак берапти. Бу эса пиллачиларнинг мушкулни осон қилиш билан бирга, парваршида белгиланган рацион асосида иш тутилишига имкон беради.

— Мавсум зиммамизга янгидан-янги вазифаларни юкламоқда, — дейди вилоят “Пилла” ҳудудий бирлашмаси раиси Фахриддин Соилов. — Айни пайтда бўнақ тарихида 4 миллиард 481 миллион сўм тарқатилди. Ишларни самарали ташкил этиш мақсадида ўқув семинарлар ташкил этилди.

Вилоятда жорий йилда пиллачилик соҳасида янги тажрибаларни қўллаш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Қашқадарёпахтасаноат” ҳудудий очик акциядорлик бирлашмаси корхоналари ва уларга қарашли пахта қабул қилиш масканларида 20 та 50-100 кутидан ипақ қурти боқишга ихтисослашган замонавий пиллахона ташкил этилди. Булар Шахрисабз туманидаги “Чоршанба”, Китоб туманидаги “Мақрид”, Яқкабоғ туманидаги “Синон” ва “Эсат”, Қосон туманидаги “Гулбоғ”, “Этаковул”, Қамаш туманидаги “Оқрабоб”, Ғузор туманидаги “Пачкамар”, Чироқчи туманидаги “Еттигим”, “Қўқдала”, Қасби туманидаги “Наврўз”, “Ҳамза Хўжакулов ММТП”, Қарши туманидаги “Таллиқўрғон”, “Қовчин”, Нишон туманидаги “Наврўз”, “Нуристон”, Муборак туманидаги “Қарлик”, “Гулшан” пиллахоналариридир. Мазкур пиллахоналар қошида ишчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Маиший ва сервис хизматлари кўрсатиладиган мажмуалар ишга туширилди. Замонавий пиллахоналарда фаолият янги ва илғор тажрибалар асосида йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ҳар бир пиллахона учун алоҳида ер ажратилиб, жами 100 гектардан ортиқ майдонда интенсив тутзорлар барпо этилди. Айтиш жоизки, бу усулда ташкил этилган тутзорларнинг бир гектарига 12300 тулдан ортиқ қўчат қадалади ва унинг ҳар гектаридан 20-25 тонна озуқа олиш мумкин. Нихолларни ўтказиш ишлари қуз ойда ҳам давом эттирилади.

Эътиборли жиҳати, интенсив қўчатлар икки-уч йилдаёқ ҳосилга қиради. Бундай тутзорлардан бир йилда икки марта ҳосил олиш имкони мавжуд. Келгусида пиллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларида ҳам ана шундай интенсив тутзорлар ташкил этилиши кутилмоқда.

Айни чоғда пахта тозалаш корхоналари қошидаги пиллахоналарда 1400 қурти ипақ қурти уруғи парваришланмоқда. Бу жорий йилда 84 тонна сифатли “қумуш тола” етказиб беришга замин демакдир.

Вилоятда пиллани қайта ишлаш технологиясини жорий этиш борасида ҳам ибратли ишлар бошланди. Жумладан, Қарши шаҳридаги 16-автокорхона ҳудудида “Радиал цирк” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси томонидан 400 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга замонавий технология ўрнатилмоқда. Унинг ишга туширилиши май ойига мўлжалланган бўлиб, 220 та янги иш ўрни яратилади. Натижада 150 тонна хомашё қайта ишланиб, маҳсулотнинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади.

Хусан ТЕМИРОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва мағза корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳани қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ФАОЛИЯТ ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Тадбирда маълум қилинишича, 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра, агентлик томонидан рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1326 таши ташкил этмоқда. Шулардан 712 таси газета, 275 таси журнал, 16 таси ахборотнома-буллетень, 4 таси ахборот агентлиги, 65 таси телевидение, 34 таси радио, 220 таси веб-сайтлардир. Кейинги йилларда ўши асосан электрон ахборот воситаларида кузатишмоқда. Хусусан, 2012 йилда рўйхатга олинган веб-сайтлар сони 3,6 фоизга, босма нашрлар сони эса 1,9 фоизга ошган.

Бугунги кунда республикамизда рўйхатдан ўтган 107 та нашриётлар томонидан ҳар йили 2 мингдан ортиқ номдаги адабиётлар нашр этилиб, китобхонларга етказиб берилмоқда.

Агентлик томонидан “Йилнинг энг яхши китоби” республика кўрик-танловини ўтказиш яхши анъангага айланган. Бу йил ушбу тадбир билан биргаликда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида “Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор” шиори остида “Китоб байрами” ижтимоий-сўсий, маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шунингдек, тадбирда ҳозирда агентлик томонидан ёш авлодни турли маънавий зарарли таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида “Вояга етмаганларни жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир этувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам тайёрланаётгани ва у яқин фурсатда агентликнинг www.ari.uz интернет-манзилдаги веб-сайтига жойлаштирилиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиши ҳам маълум қилинди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

ИНВЕСТИЦИЈАВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ НОЁБ ТИЗИМИ

(Боши 1-саҳифада)
— Ўзбекистондаги қўлай ишбилармонлик муҳити бизни ўзига мафтун этди, — дейди Жанубий Кореянинг “Ttiot” компанияси бош ижрочи директори Сунгил Ким. — Шу боис, инвестиция киритиб, янги корхона ташкил этдик. Унда сантехника ускуналари ишлаб чиқармоқчимиз. Тошкент вилоятидаги “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида ташкил этилган “Ttiot segamic” хорижий шўба корхонаси учун дастлабки инвестицияни киритдик. Махсулотларимиз учун хомашё етарли. Ишларимизнинг тараққи этишига ишонамиз. Бунинг учун бизга барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Мамлакатимизда барпо этилган махсус эркин индустриал-иқтисодий ҳудудлар, замонавий логистика тизими, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳам инвестициявий жозибадорлиқни оширишга омил бўлмоқда. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан бунён бу ерда 12 та корхона фаолият бошлади. Айни даврда 7 та лойиҳа амалга ошириш босқичида



турибди. “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида эса 8 та истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. Мана шундай тажрибалар натижасида жорий йилда “Жиззах” махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Буларнинг барчаси рақобатбардор махсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш имкони-

ятларини кенгайтирмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дасури тўғрисида”ги Қарорига асосан 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадлар учун ажратилган 13 миллиард долларнинг 75 фоизи ички манбалар ҳисобига тўри келса, қолган қисmini хорижий инвестициялар ташкил этади.

Жами капитал қўйилмаларнинг қарийб тўртдан уч қисми янги қурилишлар, ишлаб чиқаришларни реконструкция ва модернизация қилиш ҳисобига тўри келади.

Форум давомида иштирокчилар ана шу жараёнлар билан батафсил танишишди. Инвестиция самарадорлигини оширувчи соҳалар ҳақида маълумотлар олишди. Тажриба алмашиш, самарали келишувларга эришиш имкониятига эга бўлишди.

Тадбирда нефть-газ, нефть-кимё ва кимё, телекоммуникациялар, ёқилғи-энергетика комплекси, машинасозлик, металлургия, тоғ-кон, фармацевтика саноати каби соҳаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Форум доирасида Сугурталаш ва қайта сугурталаш бўйича VI Тошкент халқаро конференцияси ҳамда Банклар, лизинг ва инвестициялар бўйича II Тошкент халқаро анжуманида эса ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, хизматлар сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар хусусида сўз борди.

Анвар ҚУЛМУРОВОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

НОРТ КҲҲҚШОВАДАГИ МАНГУ ИФТИХОР

ОЛИЙ УНВОН ВА МУКОФОТЛАРДА ҲАР БИР МАМЛАКАТНИНГ ТАРИХИ, ҚАДРИЯТЛАРИ, МИЛЛИЙ ИФТИХОРИ ЎЗ АКСИНИ ТОПАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАЪССИС ЭТИЛГАН «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ МАМЛАКАТИМИЗДА СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЧУҚУР ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИДИР.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темури шаҳсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темури англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темури улуглаш — тарих қаррига чуқур илдиэ отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланган, буюк келажгимизни, ишончимизни мустақамлаш демакдир.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Амир Темурининг хотираси ва бой мероси тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темури йили, деб эълон қилиниб, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурилар тарихи давлат музейи ташкил этилди.

Бугун Амир Темурининг бой маънавий ва маданий мероси, мардлик, донишмандлик ва ватанпарварлик фазилатлари ёш

авлодга ибрат бўлиб келмоқда. Буюк бобомиз бунёд эттирган бетакрор обидалар замин сайқали сифатида барчамизга гурур-ифтихор бағишлаётди.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан “Амир Темури” орденининг таъсис этилиши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

“Амир Темури” ордени марказида Соҳибқироннинг от устидаги улугвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган шюир — “Куч — адолатда” сўзлари битилган. Бу ҳикматда Амир Темурининг ҳаётий эътиқоди, айни чоғида бугун мамлакатимизда юритилаётган сиёсатнинг ҳам маъмуриятга ўз ифодасини топган.

Ушбу орден билан давлатчилигимизни мустақамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий маҳоратни

ривожлантиришига, давлатларамо ҳамкорлиқни, тинчликни, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан муқофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалониимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз фармонига биноан Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарлари “Амир Темури” ордени билан муқофотланди.



Бугун — «Амир Темури» ордени таъсис этилган кун

Зеро, бу шаҳарлар Амир Темури ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутди. У кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Бу тарихий ёдгорликлар бугун ҳам сайёҳларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида кутлуг тўйлари нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиб, фойзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Замонавий уй-жойлар, таълим ва маданият муассасалари, йўлу кўприклар бунёд этилди, болғар яратилди. Бундай ишлар бугун ҳам изчил давом эттириляпти.

2004 йил 13 июль куни ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди. Унинг бу галабаси муносиб тақдирланди — Президентимиз Ислам Қаримовнинг фармониға биноан Р.Қосимжонов “Амир Темури” ордени билан тақдирланди. Бу — Соҳибқирондан мерос юксак ақл-заковат бугунги авлодлар томирида яшаётгани, истиқлол яратган имкониятлардан куч-қувват олиб, ўзини намоён этаётганининг гўзал ифодасидир.

“Амир Темури” ордени халқимизни янгидан-янги ютуқларга ундовчи куч, гурур ва ифтихорини кўлга киритди. Унинг бу галабаси муносиб тақдирланди — Президентимиз Ислам Қаримовнинг фармониға биноан Р.Қосимжонов “Амир Темури” ордени билан тақдирланди. Бу — Соҳибқирондан мерос юксак ақл-заковат бугунги авлодлар томирида яшаётгани, истиқлол яратган имкониятлардан куч-қувват олиб, ўзини намоён этаётганининг гўзал ифодасидир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ўза шарҳловчиси.

Қорақалпоғистон Республикаси

САНОАТ – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

ФЕРМЕРЛАР УЧУН МОТОТЕЛЕЖКАЛАР

Хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, саноатни модернизациялаш самарасида сифатли маҳсулот тайёрлаш ва аҳоли бандлигини таъминлашга эришилмоқда.



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Хитойлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли шериклик асосида Қорақалпоғистон Республикаси КеҒейли туманида иш бошлаган "КеҒейлиагротехсервис" масъулияти чекланган жамиятида фермерлар учун жуда қулай ва арзон замонавий мототележкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу ерда очилган йиғув цехида Хитойдан келтирилган қисмлар тайёр мототележкаларга келтирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш жуда қулай бўлган бу уч гилдиракли мототележкалар бир тоннагача юкни бемалол кўтариши, соатида ўртача 60-70 километр масофа босиб, икки ярим литр ёнилғи сарфлайди.

– Замонавий мототележкалар

фермерларимизнинг оғирини енгил қилади, – дейди КеҒейли тумани фермерлар кенгаши раиси Бахий Шерниязов. – Бугунги кунда туманида 193 фермер хўжалиги мавжуд, уларнинг 157 таси деҳқончилик, қолганлари чорвачилик, асаларичилик ва балиқчилик билан шуғул

ланади. Ушбу мототележкалар сотиб олишда фермерлар учун муайян имтиёзлар берилди. Яқин келажақда корхонада икки гилдиракли мототележкаларни ҳам йиғиш бошланади.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИИБ ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Шофиркон тумани ИИБ маъмурий биносини мукамал таъмирлаш».

Б у ю р т м а ч и н и н г бошланғич қиймати – 389 550 150 сўм (ҚҚС билан), 324 625 125 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2014 йил 1 сентябрь.

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ИИБ.

Манзили: Бухоро шаҳри Б.Нақшбанд кўчаси 10-уй. Телефон: (8-365) 224-21-21, факс: 224-13-75.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи микдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни

беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишланган тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга, шунингдек, мудофаа объектларида бажариладиган ишларга махсус руҳсатнома (лицензия)га эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинди: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солигидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси

қўшимча равишда ҳисобга олинди.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – Юз минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй 18-хона.

○ Реклама ва эълонлар

СПИСОК АФФИЛИРОВАННЫХ ЛИЦ СП ОАО «TASHELEKTROSHIT» ПО СОСТОЯНИЮ НА 25.04.2013 г.

№ п/п	Ф.И.О.(наименование аффилированного лица)	Организационно-правовая форма (наличие статуса индивидуального предпринимателя)	ИНН	Основание аффилированности	Дата возникновения аффилированности	Размер принадлежащих акций общества	
						шт	%
1	Бабаджанов Ф.С.		460525705	член Наблюдательного Совета	июнь 2004 г.	300	0,2
2	Бабаджанов М.С.		460571490	член Наблюдательного Совета	июнь 2004 г.	26300	17,82
3	Худайбергенов Я. С.		455018244	Председатель правления	09.12.2011 г.	110	0,07
4	Амреев А. К.		456170445	Член правления	31.03.2008 г.	126	0,08
5	Мадаминов У. Р.		488478273	Председатель Наблюдательного Совета	28.05.2012 г.		
6	Ломовцева Н. Н.		440233794	Член правления	2003 г.	150	0,1
7	Нарожных О. В.		417073940	Член правления	2005 г.		
8	ООО «ABZ INJINIRING»	общество с огран. ответственностью	203912409	акционер, владеющий более 20% акций	2006 г.	51630	34,99
9	СМПП ООО «ISTEL»	общество с огран. ответственностью	202671741	акционер, владеющий более 20% акций	декабрь 2001 г.	35108	23,79

СП ОАО «TASHELEKTROSHIT» Бухгалтерский баланс (в тыс. сум.)

Наименование показателей	№ стр.	2011 г.	2012 г.
Актив			
Остаточная стоимость	012	1097987,2	1202734,4
Долгосрочные инвестиции	030	8260,5	8260,5
Капитальные вложения	100	73190,7	96490,7
Товарно-материальные запасы	150	2050737,8	2797911,8
Дебиторы всего	160	1644239,6	2035940,3
Денежные средства	320	221004,3	47714,1
Краткосрочные инвестиции		352822,1	269560,8
Итого оборотных активов	390	4270335,3	5153263,7
Всего по активу баланса	400	5449773,7	6460749,3
Пассив			
Источники собственных средств	480	2371477,7	2492299
Долгосрочные банковские кредиты		103400	122223
Текущие обязательства	770	2974913,5	3846227,3
Всего по пассиву баланса	780	5449791,2	6460749,3

СП ОАО «TASHELEKTROSHIT» Отчет о финансовых результатах за 2012 год

Показатели	№ стр.	2011 г.		2012 г.	
		доходы	расходы	доходы	расходы
Чистая выручка от реализации продукции	010	2759895,3		4052155,9	
Валовая прибыль от реализации продукции	030	984046,1		587220,8	
Расходы периода	040		740457,9		771354,7
Прочие доходы от основной деятельности	090	245561		757202,5	
Расходы по финансовой деятельности	170		3358,4		79704,0
Прибыль до уплаты налога на доходы	240	485790,8		493364,7	
Налог от прибыли	260		180264,3		240497,9
Чистая прибыль	270	305526,5		252866,8	

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА ҚИРИТИЛГАН ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Жиззах вилояти Бахмал туманидаги пенсия жамғармаси маъмурий биноси қурилиши. Бошланғич қиймати ҚҚСсиз 500,477 млн. сўм, ҚҚС билан 600,573 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 6 ой. Ишларни молиялаштириш: давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шох кўчаси 100-уй.

Телефон: (8372) 222-46-40. **Диққат!** Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шартларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилди.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % микдоридидаги

айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этаганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: офертларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл офертларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўйиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: **Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 минг сўм. Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади. Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати — офёрталар очилиши куни ва соатига. Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

АГРОТЕХНИКА

~ Беларусь 80X ~ Беларусь 82.1 ~ Беларусь 1025

- ~ Бог ва ферма учун тракторлар
- ~ Гусеничали тракторлар
- ~ Прессподборщик
- ~ Ёзузоя ўрадиған комбайн
- ~ Ўт ўрадиған комбайн
- ~ Макка ўрадиған комбайн
- ~ Жўхори йиғувчи комбайн
- ~ Косилка КИР 1,5
- ~ Сомон йиғувчи мосламалар
- ~ Картошка терадиган комбайн
- ~ Картошка экадиған комбайн
- ~ Бугдой экадиған сепалка
- ~ Пахта экадиған сепалка
- ~ Дори сепадиган мосламалар
- ~ Сачратиб сугорувчи мосламалар
- ~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
- ~ Культиваторлар
- ~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- ~ Чизель, борона
- ~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
- ~ Траншекопатель, ямбур



(+99871) 150-58-58

150-68-68

(+99890) 928-80-20

Сайт: www.sninvest.uz

E-mail: info@sninvest.uz



Махсулот сертификатланган

Организация поставляет под заказ

- ПОДСОЛНЕЧНЫЙ ШРОТ
 - СОЕВЫЙ ШРОТ
 - РЫБНУЮ МУКУ
- и другие ингредиенты для комбикормов для кур несушек и бройлеров
- Тел. (+99890) 968-86-06
E-mail: tohir@sifco.uz

Вниманию руководителей организаций и предприятий!

ИКСЭЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ: ЛОТ №1-3

Подлот: 1-1. «Строительство водоснабжения для образцовых массивов в мах.Бирлик ССГ Бирлик Ахангаранского района Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 120 430 410 сум.

Стартовая стоимость без НДС – 100 358 675 сум.

Срок строительства – 4 мес.

Подлот: 1-2. «Строительство водоснабжения для образцовых массивов в мах.Такачи ССГ мехнатобод Бекабадского района Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 113 166 290 сум.

Стартовая стоимость без НДС – 94 305 241 сум.

Срок строительства – 4 мес.

Подлот: 1-3. «Строительство водоснабжения для образцовых массивов в мах.А.Мирзаев ССГ Жумабозор Бекабадского района Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 143 153 750 сум.

Стартовая стоимость без НДС – 119 294 791 сум.

Срок строительства – 4 мес.

ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государ-

ственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет госбюджета.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: Инжиниринговая компания службы единого заказчика областного хокимията

Адрес заказчика: г.Ташкент, проспект А.Темура 17.

Тел: 236-06-95

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномо-

чия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выпол-

ненных объемах работ собственными силами, намерением объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темура 19.

Вскрытие оферт состоит из 30 дней после публикации объявления.

Қорақалпоғистон Республикаси

БОЛАЛАР СПОРТИ

МАКТАБ СПОРТ ЗАЛИДАН ЖАҲОН АРЕНАЛАРИГА

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, шаҳар ва туман марказларида, қишлоқ жойларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Буни биргина Оролбўйида 2003-2012 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 114 та спорт иншооти, 12 та болалар мусика ва санъат мактаби фойдаланишга топширилганида ҳам кўриш мумкин.

Утган йилнинг ўзида янгидан 5 та спорт иншооти, 5 та умумтаълим мактаби қошида спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Нукус шаҳрида ҳамда Жеке терек маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида болалар спорт мажмуалари, Хўжайли, Беруний, Чимбой туманларида Болалар мусика ва санъат мактаблари, Қўнғирот туманидаги 10-, Эллиқалъа туманидаги 29-, Нукус туманидаги 5-, Чимбой туманидаги 3-, Тўртқўл туманидаги 36-умумтаълим мактаблари қошида спорт заллари бунёд этилди. Ушбу иншоотларнинг қурилиш ишларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 9 миллиард 730 миллион сўм маблағ ажратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси

сида бугунги кунда 43 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Олимпиа захиралари ва Спорт коллежлари фаолият кўрсатяпти. Уларда 49 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Шундан салкам 17 минг нафарини қизлар ташкил этади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 938 нафар мураббий-ўқитувчилар машғулот олиб боришяпти.

Президентимизнинг 2011 йил 27 августдаги "Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика Олимпиа захираси спорт мактаблари ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича Нукус шаҳри ва барча туманларда бадий гимнастика

тўрақлари ташкил этилди. Улар 76 миллион сўмлик спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Бугунги кунга келиб, бадий гимнастика билан шуғулланаётган қизларнинг сони 2 минг нафардан ошиб кетди. Уларга 56 нафар тажрибали мураббий-ўқитувчилар спорт сирларини ўргатиб келмоқда. Утган йили Нукус шаҳридаги Жеке терек маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бадий гимнастика бўйича ихтисослаштирилган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби иш бошлади. Халқаро Хотин-қизлар байрами арафасида умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида спорт билан шуғулланаётган ўқувчи қизларга Президент совғаси — жами 24292 дона спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида спортнинг теннис турини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташаббуси билан утган йилнинг декабрь ойида Нукус шаҳрида теннисга ихтисослаштирилган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланиш-

га топширилди. "Бўстон универ қурилиши" очик турдаги акциядорлик жамияти қурувчилари томонидан қуриб битказилган ушбу спорт мактабида ўқувчилар очик ва ёпиқ теннис кортларида машғулотлар олиб боришлари мумкин. Мазкур спорт мактабида 500 нафар ўғил-қизлар теннис билан шуғулланмоқда.

Бундай гамжурликлар самараси ўлароқ ёш спортчилар нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки халқаро аренаalarda ўтказилаётган нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Буни утган йилнинг ўзида халқаро спорт мусобақаларида 44 нафар ўқувчи, шундан 27 нафар қизлар муваффақиятли иштирок этганидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, 2012 йилнинг июнь ойида Германияда ўтказилган спорт фестивалида баскетбол бўйича Қорақалпоғистон қизлар терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, спорт гимнастикаси бўйича Мирбек Узоқбоев барча тенгдошларини ортада қолдириб, биринчи, Ойгул Каримбоева иккинчи ўринларни эгаллаб қайтди. Кураш бўйича Ҳиндистоннинг



Мақсад: ХАБИБУЛЛАЕВ (УЗА) олган сурат.

Кочи шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этган шуманайлик Санойим Еркинбоева биринчи, сўнг Англияда ўтказилган жамон чемпионатида учинчи ўринларни эгаллади. Шотакан каратэ бўйича Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон кубоги мусобақасида Гулкан Тобатова, Шаҳзода Авесбоевалар биринчи, самбо бўйича Осиё чемпионатида Юлдуз Мустафоева учинчи, каратэ бўйича Осиё чемпионатида Дилноза Юсупова учинчи ўринларга сазовор бўлди.

— Жорий йилда 11 та спорт иншоотларини янгидан қуриш режалаштирилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ри-

вожлантириш жамғармасининг директори Бухарбой Қалабоев. — Жумладан, Нукус туманида Болалар спорт мажмуаси, Қонлиқўл, Амударё, Тахтақўпир туманларида, Тахиятош шаҳрида Болалар мусика ва санъат мактаблари янгидан қурилади, Қонлиқўл туманидаги 3-, Тахтақўпир туманидаги 16-, Амударё туманидаги 23-, Чимбой туманидаги 18-, Кегейли туманидаги 22-умумтаълим мактаблари қошида спорт заллари бунёд этилади. Бундан ташқари, Амударё туманидаги ҳамда Тўртқўл туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида реконструкция ишлари олиб борилади.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

ЯНГИ ШИФОХОНА ИШ БОШЛАДИ

Жиззах шаҳрида юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохонада жонлантириш, ультра товуш ташхиси, лаборатория, дориҳона ва бошқа бўлимлар фаолият юритмоқда.

Инвестиция дастури асосида бунёд этилган ушбу шифо маскани «Камол» фирмаси бунёдкорлари томонидан тикланиб, барча қурилиш-монтаж ишлари учун 9 миллиард 660 миллион сўм маблағ сарфланди. Вилоятда мазкур дастур бўйича яна 7 та соғлиқни сақлаш муассасаси қурилиши жадал олиб борилаётган.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ

Хоразм Вилояти

УРГАНЧДА «НАСАФ» ФУТБОЛ МАКТАБИ ФИЛАЛИ

Урганч шаҳрида "Насаф" (Қарши) футбол мактаби филиали иш бошлади.

Филлиалнинг очилиш маросимида сўз олганлар ташкил этилган учта ёш тоифасидаги футболчилар гуруҳи олдида турган вазифалар ҳақида алоҳида тўхтадилар. Ёш футболчиларга мураббийлик қилиш учун маҳаллий мутахассислар жалб этилди. Машғулотлар Урганч шаҳридаги "Олимпия" стадиони ва сунъий қопламали мини футбол майдонларида ўтказилади. Ҳар бир гуруҳга 20 нафар болалар саралаб олинди.

Айни пайтда "Насаф" футбол мактабининг филиаллари Қашқадарь вилоти-нинг Қарши, Косон, Нишон туманлари, шунингдек, Сурхондарь вилоти-нинг Жарқўрғон туманида ҳам фаолият кўрсатяпти.

Хусан ТЕМИРОВ

«ГАЛЛА-АЛТЕГ» ОАЖ


томонидан Ўзбекистон Республикаси томонидан хомашё биржаси ҳамда тўғридан-тўғри шартнома асосида қуйидаги истеъмол товарлари сотилади:

Сочма ва қадоқланган ҳолда макарон маҳсулотлари



Балиқлар учун гранула ва сочма шаклидаги омихта ем.

Паррандалар учун сочма ва гранула шаклидаги омихта ем.



Йирик ва майда шохли моллар учун сочма ва гранула шаклидаги омихта ем.

ОМИХТА ЕМ

Омихта ем — ТSh 8-95:2012 давлат стандарти ва рецепт асосида ишлаб чиқарилмоқда.



Махсулот сертификатланган

МАХСУЛОТЛАРНИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ВА НАҚД ПУЛ БИЛАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.



Манзилимиз: Тошкент шаҳри Элбек кўчаси 37-уй.

Мўлжал: Машинасозлар метро бекати, Ўзбекистон Темир йўллари касалхонаси.

Мурожаат учун телефонлар:

факс (8-371) 289-62-16. (8-371) 289-61-94.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (10.10.2011 й., реестр № 0110502) рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркор Вахабова Муҳаббат Мансуровна (ИНН 442436302) тегишли ду-малоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан фуқаро Крюк Тимур Петрович номига Тошкент ш. М.Улуғбек т. Окдўрғон кўч. 25 манзилида жойлашган офис учун 04.05.1999 й.да берилган № 9-6/99 реестр рақамли бино кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерьяные бланки страховых полисов ОАО "КАПИТАЛ СУГ"URTA" KSO 371790, KSO 372108, KSO 400259, KSO 401093, KSO 401153, KSO 423955, считать недействительными.

ООО "BELLA INVEST" (ИНН 204479265) Яккасаройского р-на сообщает о слиянии с ООО "RAMBIODORI" Чиланзарский р-на г. Ташкента. Правоприемником по всем правам о обязательствам является ООО "RAMBIODORI".

«АГРОМАШ» ДИҚҚАТ АКЦИЯ!
«АГРОМАШКОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ

ЕНИСЕЙ-954 ГАЛЛА ЎРИБ-ЙИҒАДИГАН КОМБАЙНЛАРГА ЧЕГИРМАЛАР МАВСУМИ БОШЛАНГАНЛИгини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

АКЦИЯ 1 ИЮНГА ҚАДАР АМАЛ ҚИЛАДИ

КОМБАЙНЛАР СОНИ ЧЕГАРАЛАНГАН.

Ташкент ш., Ниёзбек йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/11; Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Автомобили УАЗ от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

Центры продаж в Ташкенте:
Тел./факс: (8 371) 215-09-11; 215-18-17
Телефон: (+99891) 162-99-99; (+99898) 303-90-09; (+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте: www.sardor-avto.uz

УАЗ Patriot (comfort) ПИКАП

Товар сертифицирован.

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа ҳақдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдиқабол ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулло ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероф ҚУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — 236-58-83, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиж: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА